

## ПРАГМАТОНИМЛАРНИНГ НОМИНАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аҳмадалиева Сабохон Муродовна, ҚДПИ ўқитувчisi

**Аннотация:** Ушбу мақолада прагматонимлар таркибида киравчи машхур бренд номларининг шаклланиш асослари ёритилди. Топонимлар, мева номлари, асосида шаклланган, таркибидаги элементлари номидан олинган бренд номлари, маҳсулот таъсир кўрсатадиган касаллик номи билан боғлиқ бренд номлари, сонлар асосида шаклланган бренд номлари, мифологик номлар асосида шаклланган бренд номларининг ижтимоий, психологияк ва лингвистик омиллари аниқланди.

**Таянч сўз ва иборалар:** ономастика, эргоним, прагмоним, товароним, прагматоним.

Прагматонимлар, уларнинг семантик, лингвокультурологик, синтактик хусусиятлари ва бажарадиган функциялари Е.Г. Беляевская, И.И.Исангузина, И.С.Карабулотова, А.А.Исакова, З.П. Комолова, И.В.Крюкова, Н.В. Подольская каби олимлар томонидан ўрганилган. Лекин бу ходиса ўзбек тилшунослигига маҳсус тадқиқ объекти бўлган эмас. Прагматонимлар таркибида киравчи бренд номларини таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш ва прагматик таҳлил усувлари асосида ёритиш мазкур ходисани тўлақонли ёритиш имконини беради.

Бренд номини танлаш мураккаб ва кўп босқичли жараён бўлиб, айрим ҳолларда бренд номлари антропонимлар асосида, баъзан зоонимлар ёрдамида ясалади. Шунингдек, топонимлар асосида шаклланган бренд номлари ҳам мавжуд.

Дунёга машхур электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Nokia компанияси ва маҳсулотлари номи шу номдаги шаҳарча ва Нокиавирта дарёси номидан олинган бўлиб, компания шу дарё соҳилларида ташкил этилган. Дарё номининг ўзи эса фин тилида “турғун” деган маънени англатади.

Компьютер фойдаланувчилари Adobe дастуридан фойдаланишади, аммо бу номнинг қандай маъно англатишини, этимологиясини билмасликлари мумкин. Мазкур бренд номи ҳам жой номи бўлиб, Калифорниядаги сой номидан олинган.

Fujj Япониядаги машхур транспорт воситалари ишлаб чиқарувчи компания номи бўлиб, бу ном Япониядаги энг баланд тоғ – Фужи тоғи номидан олинган.

KFC (Kentucky Fried chickens) бренд номида зооним билан бирга, топоним ҳам иштирок этган бўлиб, Кентуки АҚШнинг ғарбий штатларидан бирининг номидир.

Юқорида келтирилган бренд номлари дунёга машхур бренд номлари бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган машхур маҳсулот ва хизматлар номларига ҳам топонимлар асос бўлганини кузатиш мумкин: Ўзбекистон ҳаво йўллари АЖ, Ўзбекистон меҳмонхонаси, Asia Hotel, Asaka Bank, G’ijduvon Premium, Oqtera Lavash ва шу каби номларнинг шаклланиши учун жой номлари асос бўлган.

Айрим бренд номларининг шаклланишига меваларнинг номлари ҳам асос бўлган. Дунёга машхур Apple брендининг номи бунинг яққол далилидир. Apple бренд номининг шаклланиши ҳақида турли тахминлар мавжуд. Улардан бирида кўп компьютер ва электротехника ишлаб чиқарувчи компанияларнинг номлари “совуқ” бўлганлиги сабабли жонлироқ ва қизиқроқ ном танлаш эҳтиёжи асосида бу ном танлангани келтирилади. Айрим манбаларда эса Стив Жобснинг олма етиширувчи фермада ишлаганлиги ва олмаларни жуда яхши кўргани бренд номини танлаш учун асос бўлгани келтирилади. Демак, дунёдаги энг машхур электроника воситалари ишлаб чиқарувчи компания номига олма меваси асос бўлган.

Blackbeetu электротехника воситалари ишлаб чиқарувчи компания сифатида фаолият кўрсатган, бренд номининг шаклланишида Blackberry – тут мевасининг номи асос бўлган.

Mango бренди ҳам дунёга машхур аёллар ва эркаклар кийимлари ишлаб чиқарувчи компания ҳисобланади, бренд номига манго меваси асос бўлган.

Ўзбекистонда фаолият юритувчи Anor bank, Apelsin mobil иловаси каби бренд номлари ҳам мева номлари асосида шаклланган.

Айрим бренд номлари маҳсулот таркибидаги элементи номидан ҳам олинади. Бунда маҳсулот таркибий қисми кимёвий элемент ёки товарнинг асосини ташкил қилувчи маҳсулот бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, машхур кир ювиш кукуни номи – Persil унинг таркибидаги кимёвий элементлар номининг қисқартмасидан олинган. Бу кимёвий элементлар содиум перборат (sodium perborate) ва силикат (silicate) бўлиб, пер+сил қўшилмасидан Persil номи ясалган.

Kentucky Fried Chicken (KFC) номи ҳам маҳсулотнинг асосий таркибий қисми – қовурилган жўжалар номидан олинган.

Дунёга машхур салқин ичимлик номи – Pepsi даставвал фармацевт Калеб Бредхем томонидан ўйлаб топилган. Даставвал ичимлик Brad's Drink деб аталган. Кейинчалик эса маҳсулотнинг фойдали хусусияти – диспепсияни даволаши хусусиятидан келиб чиқиб, Pepsi Cola номи шаклланган. Маҳсулот рекламасида ҳам унинг овқат ҳазм қилишга ёрдам бериш функцияси таъкидланган. Вақт ўтиб, бу ном ҳам қисқартирилиб, Pepsi номи шакллантирилган.

Бренд номлари сонлар асосида ҳам шаклланади. Seven-up салқин ичимлигининг номи даставвал “Bib-Label Lithiated Lemon-Lime soda” деб аталган. Вақт ўтиб, маҳсулот номи “7 Up Lithiated Lemon Soda” номига, кейинчалик эса “7 Up” номига қисқартирилади. 7 рақамининг қандай маъно англатиши тўғрисида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи манбаларда маҳсулотнинг 7 та асосий таркибий қисми мавжудлиги, айримларида эса оригинал рецептда кўлланган lithium кимёвий элементининг атом массаси 7 га teng эканлиги келтирилади. Бундан ташқари, “7 Up” маҳсулотлари Кола ва бошқа ичимликлар каби 6 унсли эмас, 7 унсли идишларга қадоқлангани ҳам маҳсулот номи билан бօгланади.

Айрим бренд номлари мифологик характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Nike спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи бренд номи ҳисобланади. Бу ном юонларнинг ғалаба худоси – Nike номидан олинган бўлиб, спорт кийимлари учун бу номнинг қўлланилиши спортчиларни ғалабага ундаш вазифасина ҳам бажаради. Pandora ҳам юон мифологиясида аёл жангчи ҳисобланади. Бу мифологик қаҳрамон номига асосланган ҳолда Pandora номли дунёга машхур аёллар тақинчоқлари бренд номи шаклланган.

Лада Россиянинг автомобиллар ишлаб чиқарувчи бренд ҳисобланади. Манбаларда келтирилишича, Лада словаклар худоси саналган ва шу сабабли ҳам бу ном бренд номи сифатида танланган.

Хулоса қилиб айтганда, прагматонимлар тилшуносликнинг ономастика соҳаси доирасида ўрганилади. У ишлаб чиқарилган маҳсулот, товар ёки хизмат номини англаатади. Прагматонимлар фарқловчи, информатив, “асровчи”, кафолат, психологик функцияларни бажаради.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Rozikova, G. Z. (2019). SEMANTIC FEATURES OF LEXEMES BELONG TO THE GROUP OF NAMES OF PERSON APPLIED IN “DEVONU LUGOTIT TURK”. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(12), 136-141.
2. Gulbakhor, R. (2020). Expression of temporality and locality through noun lexemes in Mahmud Kashgari's “devon”. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1648-1653.
3. Roziqova, G. (2020, December). MAHMUD KASHGARI'S "DEVONU LUG'OTIT TURK" NAMES OF HOUSEHOLD ITEMS USED IN THE WORK EXPRESSIVE SYNONYM LEXEMAS. In Конференции.
4. Yusupova, S. T., & Anvarova, F. A. (2020). Linguoculturological investigation of zoonyms in English and Uzbek. ISJ Theoretical & Applied Science, 11 (91), 78-80.
5. kizi Yusupova, S. T. (2019). STUDY OF RELIGIOUS FUNCTIONAL STYLE IN THE WORLD LINGUISTICS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(12), 173-178.
6. Qizi, Y. S. T. (2020). Religious speech and phonetic interference. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(6), 679-683.
7. Rozikova, G. Z., & Yusupova, S. T. (2021). METAPHOR AS A LINGUOCULTUROLOGICAL PHENOMENON. Theoretical & Applied Science, (12), 1086-1088.
8. kizi Yusupova, S. T., & Sayidrahimova, D. S. (2022). ABOUT THE CLASSIFICATION OF RELIGIOUS TEXTS. Eurasian Journal of Academic Research, 2(2), 63-65.

#### THE WAYS OF IMPROVING WRITING SKILLS OF STUDENTS

Sitora Xudayorova  
SamSIFL, student

**Abstract:** Writing has always been seen as an important skill in English language acquisition. This importance is due to the fact that it reinforces grammatical structures and vocabulary that educators strive to teach their students. It is the area in which learners need to be offered adequate time to develop their writing skill, therefore more time should be devoted to it in classrooms containing ELLs so that they will be prepared to effectively communicate in real life as well as academic situations. Exposing them to the writing process itself through various venues is an excellent way to reach this goal.

**Key words:** Writing skills, first impression, interaction, key points, coworkers, quality control,